

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

“АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” КАФЕДРАСИ

**ТИЗИМЛИ ТАХЛИЛ АСОСЛАРИ**

ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

5521900-Информатика ва ахборот технологиялари  
5523500 – Ахборот хавфсизлиги  
5320200-Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик  
5140900-Касб таълими(Информатика ва ахборот технологиялари)  
йўналишлари учун

Тузувчи:

Атаджанова М.П. – АТ кафедраси катта ўқитувчиси

Тошкент 2013

## Кириш

ТТК фани ахборотларини қайта ишлаш ва бошқаришни автоматлаштирилган системалари бўйича ўқитиладиган асосий фанларидан бири ҳисобланиб, мураккаб системаларни таҳлил қилиш услублари ва яратишни асосий қонунларини ўз ичига олади. Бу фан хўжаликнинг турли хил тармоқларида ҳар хил даражада автоматлаштирилган мураккаб бошқариш системаларини яратиш ва жорий қилиш вақтида пайдо бўладиган муаммоларни ўрганишга имконини беради. Бошқарув объектларини (БО) ва масалаларни тобора мураккаблашиб бориши, жараёнларини автоматлаштиришга олиб келади. Корхона ва муассасаларнинг кўпайиб бориши, уларнинг тармоқларини кўпайиб бориши ахборот оқимларини кўпайишига ва уларнинг ҳажмини ортишига олиб келади.

Украиналик олим Глушков бу жараёнларни мураккаблашиб боришини ўрганиб, таҳлил қилиш учун икки турли ахборот тўсиги тушунчасини киритади.

1. Бу шундай вазиятки, унда объектив лозим бўлган, бошқариш масалаларининг мураккаблиги мисолни ахборотни англаш ва уни қайта ишлаш қобилияти чегарасидан ортиқдир, дейди.

2. Бу ҳолда эса, объектив лозим бўлган бошқариш масалаларининг мураккаблиги бошқариш жараёнларида банд бўлган барча одамларни ахборотни қайта ишлаш қобилиятидан кўп бўлган вазият билан боғлайди.

1- ахборот тўсиги ташкилий чоралар ёрдамида, яъни

бошқариш масалаларини ечиш, кўплаб одамларга тақсимлаш билан кечадиган бўлса,

2- ахборот тўсиғини ўқитиш, яъни ягона йўли бу бошқариш соҳасидаги меҳнат самарадорлигини тубдан ошириш.

# 1 - Маъруза.

**Режа:** 1. Тизимли тахлил. Фан ва техниканинг ютуқлари.

2. Ахборот тўсиғи.

3. Баъзи-бир бошланғич тушунчалар.

**Калит сўзлар.** *Тизимли тахлил. Системотехника. Ахборот тўсиғи.*

*Автоматлаштирилган бошқариш тизимлари.*

## Кириш

ТТК фани ахборотларини қайта ишлаш ва бошқаришни автоматлаштирилган системалари бўйича ўқитиладиган асосий фанларидан бири ҳисобланиб, мураккаб системаларни тахлил қилиш услублари ва яратишни асосий қонунларини ўз ичига олади. Бу фан хўжаликнинг турли хил тармоқларида ҳар хил даражада автоматлаштирилган мураккаб бошқариш системаларини яратиш ва жорий қилиш вақтида пайдо бўладиган муаммоларни ўрганишга имконини беради. Бошқарув объектларини (БО) ва масалаларни тобора мураккаблашиб бориши, жараёнларини автоматлаштиришга олиб келади. Корхона ва муассасаларнинг кўпайиб бориши, уларнинг тармоқларини кўпайиб бориши ахборот оқимларини кўпайишига ва уларнинг ҳажмини ортишига олиб келади.

Украиналик олим Глушков бу жараёнларни мураккаблашиб боришини ўрганиб, тахлил қилиш учун икки турли ахборот тўсиғи тушунчасини киритади.

1. Бу шундай вазиятки, унда объектив лозим булган,

бошқариш масалаларининг мураккаблиги мисолни ахборотни англаш ва уни қайта ишлаш қобилияти чегарасидан ортикдир, дейди.

2. Бу холда эса, объектив лозим бўлган бошқариш масалаларининг мураккаблиги бошқариш жараёнларида банд бўлган барча одамларни ахборотни қайта ишлаш қобилиятидан кўп бўлган вазият билан боғлайди.

1- ахборот тўсиғи ташкилий чоралар ёрдамида, яъни бошқариш масалаларини ечиш, кўплаб одамларга тақсимлаш билан кечадиган бўлса,

2- ахборот тўсиғини ўқитиш, яъни ягона йўли бу бошқариш соҳасидаги меҳнат самарадорлигини тубдан ошириш.

Фан ва техниканинг замонавий ютуқлари, иқтисодий ва социал муносабатларнинг юксалиши, корхоналар тармоқларининг кенгайиши ва улар ҳажмининг ортиши, ахборот оқими ҳамда ҳажмининг кенгайиб бориши барча турдаги масалаларнинг кескин мураккаблашишига олиб келади.

Корхоналарда, шунингдек тармоқларда ахборот оқими мавжуд бўлган ахборот оқими уни қайта ишлаш борасидаги инсоннинг жисмоний ва руҳий имкониятларидан устунлик қилади.

Глушков В.М халқ хўжалигини бошқаришдаги кийинчиликларни боришини таҳлил қилиб, 2 ахборот тўсиғи тушунчасини жорий қилди.

Халқ хўжалигининг ривожланишида 1-чи ахборот тўсиғи деб мисол тариқасида ахборот қабул қилиш ва уни қайта ишлаш

қобилиятининг бўсағасига қайта айтиладики, қачонки объектив нуқтаи назардан муҳим бўлган халқ хўжалиги бошқаруви масалаларининг муракабликни шу қобилиятлардан устунлик қилади.

Иккинчи ахборот тусиги (баръери) бу халқ хўжалигини бошқариш асосдаги объектив муҳим бўлган масалалар муракаблигининг халқ хўжалигида ахборотни қайта ишлаш билан банд бўлган одамлар қобилиятлари йиғиндисидан устун турушидир.

Агар биринчи ахборот тўсиги ташкилий ҳаракатга эга бўлган чора- тадбирлар билан бартараф этилган бўлса, яъни бунда бошқарув масалаларини хал этиш кўпчилик одамлар зиммасига юклатилиб бошқарув системасининг иерархик структураси қўлланилган бўлса.

Иккинчи тўсиқни бартараф этишнинг ягона йўли бошқарув соҳасида меҳнат самарадорлигини ошириш эди.

Ҳозирги замонда бундай имкониятни бизга халқ хўжалигининг барча соҳаларида бошқарувни автоматлаштирилган системасини жорий қилиш тадбирлари беради.

АБТ - беқиёс кенг ва турли хил соҳаларда қўлланилмоқа. Бу шароит эса назарияларни қайта ишлаш муаммосини айтарли даражада муракаблаштира қолмай, шу билан бирга АБТ тузилишининг умумий принциплари ва усулларини ўрганиб чиқишда маълум бир

системалаштириш ва умумийлаштириш зарурлигини таъкидлайди. Шунга мос ҳолда АБТ назариялари муаммосини қуйидаги бўлишларга бўлиш мумкин:

- А. АБТ назарияларининг кибернетик асослари.
- Б. АБТ назарияларининг кибернетик - ижтимоий-иқтисодий асослари.
- В. АБТ назарияларининг кибернетик психологик-услубий асослари.

АБТ теорияларини кибернетик асослари деганимизда табиатга нисбатан ва системани йўналишга нисбатан инвариант бўлган мураккаб тизимлар синтези ва анализи (тахлили) усулларини юксалтириш билан боғлиқ савол ва масалалар, шунингдек АБТни ахборот математик ва техник таъминоти саволлар ва масалалари тушунилади.

АБТ назариялари кибернетик асосларини ривожланишида «системалогия»га катта эътибор берилади, қайсики кибернетиканинг 1-тармоғи сифатида юзага келиб концептуал асосга эга бўлган, ҳамда бошқариш соҳасидаги «системотехника» номини ечим йуналишига назарий негиз бўлиб хизмат қилади.

Системалогия - турли хил табиатга эга бўлган тизимларнинг умумий хусусиятлари ҳақидаги фан.

Системалогия фани - турли синфдаги абстракт тизимлар. Системалогиянинг асосий вазифалари, ўрганилаётган объект мураккаблигига адекват мос бўлган таҳлил усуллари, хусусиятларини деярли йўқотмаган ҳолда тизимларни

декомпозиция соддалаштириш қилиш усулларини ишлаб  
чиқиш йўналишларини  
назарий асосларини яратиш ва ҳоказо.

Назорат учун саволлар.

1. Тизимли таҳлил фанининг қўлланилиш соҳалари.
2. Фаннинг асосий тушунчалари.
3. Халқ хўжалигининг ривожланишида ахборот тўсиғи тушунчалари.
4. АБТнинг назарий кибернетик асослари.
5. Системотехниканинг вазифалари қайсилар.
6. Системотехника фани, усули.
7. Фаннинг Амалий ахамияти.
8. Фан ривожланишининг тарихий жараёни.

## **2- Маъруза.**

**Тизимли таҳлилнинг қўлланилиш соҳалари. Асосий тушунча ва таъриф.**

**Режа: 1. Тизимли таҳлилнинг қўлланилиш соҳалари.**

**2. Асосий тушунча ва таъриф.**

**3. Тизим. Тизим элементлари. Элементларнинг ўзаро алоқалари.**

**Калит сўзлар.** *Системотехника, системология, амаллар тадқиқи, лойихалаш, қуйи тизим. тизим элементи.*

**Система** - бу ўзаро боғланган ва ўзаро муносабатда бўлган элементларни шундай йиғиндисики, унда улар ўртасидаги ички



алоқалар қуввати ташқи алоқалар қувватидан катта ва хусусиятидан фарқли янги мужассамланган хусусиятга эга бўлган, маълум мақсадга йуналтирилган мажмуадир.

**Элемент** системанинг узвий қисми бўлиб, у ташқи хусусиятлари нуқтаи назаридан бқлинмайдиган мустақил объект деб тушунилади.

«Системотехника» - бошқарувчи ва бошқарилувчи қисмларни ўз ичига оладиган катта техник системалар яратилиш, ривожлантириш ва амалда қўллашнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги техник фани.

Системотехника фани – автоматлаштирилган бошқариш тизимларини лойихалаш, ривожлантириш ва амалда қўллаш тартиби.

Системотехника усули - системали ёндашув бўлиб объектни барча ички ва ташқи алоқаларини ҳисобга олган ҳолда унинг моҳиятини ўрганиб чиқиш, ўтмиши, ҳозирги даври келажагини ҳисобга олган ҳолда уни ривожланишини ўрганиб чиқишни ўз ичига олади.

Системотехника вазифалари - турли типдаги АБТ учун самарадорликни баҳолаш критерияларини ишлаб чиқариш, уларни яратиш ривожлантириш ва эксплуатация қилиш усулларини ишлаб чиқаради.

АБТ тизимидаги ижтимоий-иқтисодий асосларнинг назарий негизи бўлиб, «операциялар назарияси» ёки «операцияларни текшириш» деб номланувчи илмий фан ҳисобланади (Operations research).

«Операцияларни текшириш» - миллий йуналиш бўлиб мавжуд булган система - одамлар машиналар материаллар молия тизимларини бошқариш билан боғлиқдир.

Операциялар назарияси фани - масалаларни ечимини топишга қаратилган мақсадга мувофиқ чора ва тадбирларни ўрганиб чиқишидир.

АБТ назарияларини ижтимоий-иқтисодий асослари муаммолари қаторига ташкилий системалар билан бошқаришда қарор қабул қилиш принциплари ва услублари ишлаб чиқариш масалаларини, шахслараро муносабатлар ва уларни бошқарув жараёни самарадорлиги билан боғлиқлигини ўрганиш, ҳамда АБТни қонуний таъминотини ишлаб чиқиш саволларини ҳам киритиш зарур.

Шундай қилиб, муҳандис-системотехник фан ва техникада кенг доирадаги билим ва дунёқарашга эга бўлиши, АБСни ишлаб чиқишдаги муаммолар ва қийинчиликларни ўзига хослигини тушуниб етиши, АБСни лойихалашда вужудга келадиган турли хил масалаларни ечишни билиши керак.

Системанинг қўшимча хусусиятлари:

1. Бутунлик - бирон нарса алоҳида бир бутун булмоғи учун биринчидан унинг узвий қисмлари орасидаги алоқалари шу қисмлар кўрилаётган бутунликка тегишли бўлмаган бошқа бўлимлар билан алоқаларидан кучлироқ бўлмоғи лозим. Иккинчидан эса кўрилаётган бутунликни ҳар бир бўлимдаги элементлар ўртасидаги алоқалар бўлимлараро

алоклардан кучлироқ бўлиши лозим.

Бутунликнинг бу хусусияти уни бўлимларга бўлиш, ажратиш имконини беради.

2. Ташқи мухит билан боғланишлик. Агар саноат корхонасини система деб олсак, у учун ташқи мухит сифатида хом ашё, эҳтиёт қисмлар, энергия таъминловчилар, корхонанинг махсулотларини истеъмолчилари бўлади. Агар корхона ишларига об- ҳаво таъсир этадиган бўлса, унда корхона учун ташқи мухит об - ҳаво бўлади. Ёки тескари ҳол, яъни корхона ўз фаолияти билан табиатга таъсир кўрсатса, ( масалан, анхор, кўл, хавони ифлослантирса) унда табиат системаси учун корхона ташқи мухит сифатида кўрилади.

Системани таҳлил қилиш жараёнида уни бир неча таркибий қисмларга, яъни қуйи системаларга бўлиш мумкин.

Қуйи система - бу системадан маълум қоидага биноан ажратилган, табиати ихтиёрий, ўзаро боғланган элементларни бир қисм тўпламидир. Демак, ҳар қандай система қуйи системадан иборат бўлиб, уларни ҳар бирини мустақил система деб қараш мумкин.

Агар система кириш ва чиқиш йўлларига эга бўлса, яъни системаларни маълум вақтда модда, энергия, ахборот киргизиш ва чиқариш имконитлари мавжуд бўлса, бу тизимга таркибий объект сифатида қаралади ва бу системага динамик система деб қаралади.

Системаларни мураккаб ва содда системаларга бўлиш мумкин:

- системани кўп ўлчовлиги ( ўзгарувчилар сони кўплиги);
- система элементларини ўзаро боғланиши кўплиги (бир хил ёки бир хил сатҳдаги элементларда ўзаро боғланиш);
- элементларнинг табиати хилма - хиллиги;
- система таркиби ва хосиятлари ўзгаришининг кўплиги(системанинг тузилиши, таркиби ва алоқаларнинг ўзгарувчанлиги);
- кўп мезонлик( қуйи системалар учун маҳаллий мезонлар ва бутун система учун умумий мезон, уларнинг ўзаро зиддиятлари);
- илмий нуқтаи назаридан кўп боғланишлиги(системни турли даражада тасвирлаш зарурлиги);
- система тузилишини, уни ташкил қилиш усулларини, элементлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни шаклларининг хилма-хиллиги.
- система таркиби ва хосиятлари ўзгаришининг кўплиги(системанинг тузилиши, таркиби ва алоқаларнинг ўзгарувчанлиги);
- кўп мезонлик( қуйи системалар учун маҳаллий мезонлар ва бутун система учун умумий мезон, уларнинг ўзаро зиддиятлари);
- илмий нуқтаи назаридан кўп боғланишлиги(системни турли даражада тасвирлаш зарурлиги);
- система тузилишини, уни ташкил қилиш усулларини, элементлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни шаклларининг хилма - хиллиги.

## Назорат учун саволлар.

1. Қуйи тизим тушунчалари.
2. Тизимнинг ўзаро боғлиқлиги.
3. Тизимни ташкил этвчи элементлари.
4. Тизимнинг таркибий қисмлари.
5. Динамик тизим нима.
6. Тизимнинг кириш ва чиқишлари.
7. Элементларнинг ўзаро боғлиқлиги.
8. Алоқалар хилма – хиллиги.

## 3 – маъруза

### **Мавзу: Тизим классификацияси.**

### **Мураккаб ва оддий тизимлар таснифи.**


#### **Режа:**

1. Тизимларни таснифлаш.
2. Мураккаб ва оддий тизимлар.
3. Сунъий ва табиий тизимлар.
4. Тизимларни ташкил этувчи қисмлари.

Тизимни классификация қилиш бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, қуйида биз сиз билан мана шу омилларга кўра тизим қандай таснифланишини кўриб ўтамиз. Ҳар бир омилга алоҳида аҳамият бериб назар солсангиз, қайси тизимни ўрганаётганимиз ва унга боғлиқ бўлган омилларни дарҳол ажратишингиз мумкин. Демак,

ТИЗИМ:


1. Сунъий
2. Табиий тизимга бўлинади.




*Табиий тизим деб* – табиатан мавжуд бўлган тизимларга айтилади.

*Сунъий тизим деб* - инсон иштирокида ташкил этилган тизимга айтилади. Системотехниклар асосант сунъий тизимларни тахлил қилиш билан иш либ борадилар. Сунъий тизимни тахлил қилиш тизимни ташкил этувчи барча компонентларини тахлил қилишдан бошланади, яъни тизим қандай компонентлардан ташкил топган, унинг ички ва ташқи алоқалари қайсилар, бу тизим қайси мақсадга йўналтирилган, қаерда, қандай, нима учун фойдаланилади.

Табиий тизимларга қуйидагиларни мисол қилиб келтирсак бўлади.



Сунъий тизимларга эса қуйдагиларни мисол қилиб тушунтириш мумкин.



Тизимлар шакли ва тузилиши бўйича ҳам таснифланади ва қуйида бунга мисоллар келтирамиримиз.


## Тизимларни яна шакли жихатидан

- Мураккаб
  - – тизимнинг кўп ўлчовлилиги;
  - Тизим элементларининг ўзаро боғланиши кўплиги;
  - Табиати хилма-хиллиги;
  - Таркиби ва хоссаларининг ўзгаришининг кўплиги;
  - Кўп мезонлилиги;
  - Илмий нуқтаи назардан кўп боғланишлиги;
  - Ташкил қилиш усуллари;
  - Элементлари ўртасидаги ўзаро алоқалари жихатидан;
- Содда тизимларга бўлиб ўрганиш мумкин



Сунъий тизимни таҳлил қилиш тизимни ташкил этувчи барча компонентларни ўрганишдан бошланади.

- Тизимни атроф мухитини
- Тизимга таъсир қилувчи хусусиятлар
- Тизимни узгартирувчи хусусиятлар
- Табиий мухит
- Технологиянинг ҳолати
- Ташкилот сиёсати
- Янги тизимлар учун иқтисодий шароит
- Инсон факторлари





# Murakkab tizim interpretatsiyasi



## Tizimni vaqt bo'yicha klassifikatsiyasi



### Назорат учун саволлар

1. Тизим таснифини барча таркиби бўйича таснифлаб беринг.
2. Табиий тизим нима?
3. Сунъий тизим нима?
4. Мураккаб ва оддий тизимлар деганда нимани тушунасиш?
5. Очик ва ёпиқ тизимларнинг қандай турлари мавжуд?
6. Тизим қандай таркиб бўйича гурухланади?

### 4 - маъруза

**Мавзу: Ахборот тизимлари. Умумий тушунчалар. Ахборот тизимларида бошқарув тузилмасининг ўрни**

### Режа:

#### 1. Умумий тушунчалар

2. Ахборот тизими тушунчаси
3. Ахборот тизимининг ривожланиш босқичлари
4. Ахборот тизимидаги жараёнлар
5. Ахборот тизимларини қўллаб қандай натижалар олиш мумкин
6. Ахборот тизимларида бошқарув тузилмасининг ўрни
7. Умумий маълумотлар
8. Ташкилотни бошқариш тузилмаси

### Калит сўзлар

Тизим, ахборот тизими, ташкилотни бошқариш тузилмаси, ташкиллаштириш, ҳисобга олиш, таҳлил қилиш.

### Умумий тасаввурлар

*Тизим* – бир вақтнинг ўзида ягона объект ҳамда мақсадга эришиш учун тўпланган элементлар йиғиндиси сифатида тушунилади.

Тизимлар бир-биридан таркиби ва қандай мақсадда қўлланилиши билан ажратилади

Ҳар ҳил элементлар ва ҳар ҳил мақсадларда қўлланиладиган тизимларга мисоллар келтирамиз:

#### 1.1.жадвал

Тизимлар	Тизим элементлари	Тизимнинг асосий вазифаси
Фирма	Ишчилар, воситалар, товарлар, бино ва бошқалар	Товар ишлаб чиқариш
Компьютер	Электрон ва электромеханик	Маълумотларни қайта ишлаш

	элементлар, алоқа линиялари ва х.к.	
Телекоммуникация tizimi	Компьютерлар, модемлар, кабеллар, тармоқ дастурлари ва х.к.	Ахборот юбориш
Ахборот тизими	Компьютерлар, компьютер тармоқлари, ахборот ва дастурий таъминотлар	Юқори даражадаги ахборот ишлаб чиқариш

### **Ахборот тизими тушунчаси**

Тизим тушунчаси жуда хам кенг тарқалган термин бўлиб, жуда хам кўп маънони англатади. Кўп ҳолларда техника воситалари ва дастурлари йиғиндисига “ТИЗИМ” деб аталади.

Тизим тушунчасига “ахборот” сўзини қўшсак у ҳолда “тизимнинг” яратилиш мақсади ва ишлаш принципи тушунилади. Ахборот тизими фойдаланувчиларга исталган муҳитдаги ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш, қидириш имконини яратади


**Ахборот тизими** деб олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш методлари ва воситалари йиғиндисига айтилади

### **Ахборот тизимининг ривожланиш босқичлари**

1.2- жадвал. Ахборот тизимининг ривожланиш босқичлари

Вақт	Ахборотдан фойдаланиш концепцияси	Ахборот тизимининг тури	Фойдаланишдан мақсад
1950 – 1960 йй.	Ҳисоботларни қоғоз кўринишида сақлаш	Электромеханик машиналар ёрдамида ҳисоб-китоб қилувчи ахборот тизими	Ҳужжатларни қайта ишлашни тезлаштириш Маош ҳисоблаш жараёнини қисқартириш
1960 – 1970 йй.	Ҳисоботлар тайёрлаш учун асосий ёрдам	Ишлаб чиқаришдаги маълумотларни бошқарувчи ахборот тизими	Ҳисоботлар тайёрлаш жараёнини тезлаштириш
1970 – 1980 йй.	Савдо йўналишини назорат қилишни бошқариш	Бошқариш органлари учун тизим	Қулай ва тез қарор қабул қилишга эришиш
1980 – 2005 йй.	Рақобатбардош стратегик ахборот ресурслари	Стратегик ахборот тизимлари Автоматлаштирилган тизимлар	Фирма ва корхоналарни банкрот ҳолатдан сақлаш

## Ахборот тизимидаги жараёнлар



расм 1.1 Ҳар қандай ахборот тизимининг ишлаш жараёнини қуйидаги схема билан ифодалаш мумкин

**Ахборот тизимлари қуйидаги хоссалар билан характерланади**

- ✓ ҳар қандай ахборот тизими, тизимни ташкил этишнинг умумий принципи асосида таҳлил қилинади ва бошқарилади
- ✓ Ахборот тизими динамик кўринишга эга бўлиб, ривожланувчи тизим ҳисобланади
- ✓ Ахборот тизимининг маҳсулоти ҳам ахборот ҳисобланади
- ✓ Ахборот тизимини одам-компьютер тизими кўринишида тасаввур қилиш лозим

**Ахборот тизимларини хаётда қўллаб қандай натижалар**

## **олиш мумкин**

- ✓ Математик метод ва интеллектуал тизимларни қўллаб, бошқаришнинг оптимал вариантларини олиш.
- ✓ Тизимни автоматлаштириш натижасида ишчиларнинг вазифаларини енгиллаштириш.
- ✓ Энг тўғри ахборотга эга бўлиш.
- ✓ Ахборотларни қоғозда эмас балки магнит ёки оптик дискларда сақлаш
- ✓ Маҳсулот ишлаб чиқариш сарф харажатларини камайтириш.
- ✓ Фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиш.

## **Ахборот тизимларида бошқарув тузилмасининг ўрни**

Ахборот тизими жамият ва ҳар бир ташкилот учун куйидагиларни бажариши лозим:

1. Ахборот тизимининг тузилмаси ва унинг қўлланилиш мақсади, жамият ва корхона олдида турган вазифа билан тўғри келиши керак. Масалан; тижорат фирмасида – фойдали бизнес, давлат корхонасида ижтимоий ва сиёсий вазифаларни бажариши керак.
2. Ахборот тизими инсон томонидан бошқарилиши ва ижтимоий этика принциплари асосида фойда келтириши керак.
3. Тўғри, кафолатли ва ўз вақтида ахборотларни мижоз ёки тизимларга етказиши лозим.

## **Ташкилотни бошқариш тузилмаси**

Ахборот тизимини яратиш, ташкилотнинг бошқарув тузилмасини таҳлил қилишдан бошланади



Бошқариш деганда кўйидаги вазифаларни амалга ошириш функцияси билан, кўйилган мақсадга эришиш тушунилади:

**Ташкиллаштириш** – норматив хужжатлар комплекси ва ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш; штат жадвали, бўлимлар, лабораториялар ва ҳ.к.

**Ҳисобга олиш** – бу функция фирма ёки ташкилот кўрсаткичларининг метод ва формаларини ишлаб чиқади. Масалан; бухгалтерия ҳисоботи, молиявий ҳисоб-китоб, бошқарув ҳисоботи ва бошқалар.

**Таҳлил (анализ)** – режалаштирилган вазифаларни қай даражада бажарилганлигини аниқлайди

### Ташкилотни бошқариш тузилмаси

**Ҳар қандай ташкилотнинг бошқарув тузилмаси учта поғонага ажратилади**



Расм 1.2 Ташкилотни бошқариш тузилмаси умумий кўриниши

### **Назорат саволлари**

1. Ахборот тизими, тизим компонентлари ва мақсади нимадан иборат?
2. Ахборот тизимлари қандай хоссалар билан характерланади?
3. Ахборот тизимлари нима?
4. Ахборот тизимларида ахборотларни киритиш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнлари қандай амалга оширилади?
5. Тизимлар қайси хоссалари билан бири биридан фарқланади?
6. Ахборот тизимларини қўллаш халқ хўжалигида қандай қулайликлар яратади
7. Бошқариш нима?

8. Тизим нима?

## 5 - Маъруза

### Тизимлар структураси. Декомпозиция усули.

**Режа:**

1. Тизим структураси.
2. Декомпозиция усули.
3. Композиция тушунчаси.

Системани структураси дейилганда системани алохида элементлар (системачалар)дан тузилганишчи шу элемент орасида функцияларни таксимланиши билан ифодаланиладиган улар орасида узаро боғликлиги бутунлигини таркибий қисмлардан (системачалардан) ташкил топиш усуллари хақидаги қонундир. , *V*

Системалар орасидаги боғланиш ички боғланиш деб аталса, система билан ташки муҳит орасидаги боғланиш ташки боғланиш дейилади.

Элементлар орасидаги ички боғланиш горизонтал 1 хил даражадаги элементлар орасидаги боғланиш ҳамда вертикал турли даражадаги элементлар орасидаги боғланиш булиши мумкин. Система элементлари орасидаги шунингдек система билан ташки муҳит орасидаги боғланишлар уз йуналишига эгадир. Системани ечишга йуналтирилган ташки боғланишлар - системани кириш қисми система ташки муҳитга томон

йуналтирилган боғланишлар системани чиқиш қисми деб

аталади.

~ 3 хил синфдаги структуралар фаркланади: иерархик ноерархик ва аралаш иерархия тушунчаси остида бир канча бошқарув босқичларнинг итоаткорлик ва куйи звенодан юкори звенога утиш тартибига буйсуниши назарда тутилади. Иерархик структура куйидагича шартларга жавоб бериши керак:

1) хар кандай системача ёки бошқарувчи ёки ижро этувчи ё булмаса бир вақтни узида иккаласини йигиндиси булади;

2) хеч булмаганда битта ижро этувчи системага мавжуд булади;

3) ягона ва факат ягона бошқарув системачали мавжуд булади;

4) хар кандай ижро этувчи системача бевосита битта ва факат битта бошқарувчи системача билан узлари боғланади. I

Ноиерархик структура деб куйидаги шартларга жавоб берадиган структурага айтиладики:

1) хеч булмаганда битта системача мавжудбулиб у бошқарувчи хам, ижро этувчи хам булмайди;

2) факат бошқарувчи булган системача мавжуд эмас;

3) факат ижро этувчи булган системача мавжуд эмас;

4) хар кандай ижро этувчи. системача биттадан ортик бошқарувчи системачалар билан бевосита узаро боғланади.

Ноиерархик Структуралар узига хослиги, унда бошка системачаларга боғлиқ булмаган ҳамда қарор қабул қила оладиган системачаларни йуклигидир.

Ноерархик структура қуйидаги хусусиятларга эга:

1) ҳар уайси системача система фаолиятини барча аспектларига таъсир қила олади.

2) Кириш компонентларини чиқиш компонентларига утиш вақти структура таркибидаги қичтемачани урнига қам даражада боғлиқ;

3) Системачалар функцияси узаро таъсир жараёнида енгил узгаради.

Аралаш структуралар эса мерархик ва монерархик структураларни турли комбинацияларидир.

Система структураларини шаклланиши уни декомпозициясини, яъни системачаларга бўлинишини таъкидлайди. Умуман олганда декомпозицияни мураккаб масалаларни ечишга ёндашув деб қаралса, уни системаларни анализ қилиш, ҳамда синтез қилиш масалаларига нисбатан қулласа бўлади. Лекин табиқи уни бошқарув масалаларига қиритиш қатта қизиқиш уйғотади. Ҳозирги вақтда маълум бўлган декомпозиция усуллари бирламчи масала  $Z$  ни бир қатор соддалаштирилган масалалар  $Z_1, \dots, Z_n$  га бўлишга асосланган бўлиб улардан ҳар бири бизни қониктирадиган қикимлар (опратив хотира, вақт машианаси. ва бошқ.) билан ҳал қилиниши мумкин. Бирок узгарувчанлар орасидаги бақарилиши туфайли қайсиқий

уларни декомпозициясида асраб колинмайди ёки узиб ташланади, олинган ечинмалар  $U_1 \dots U_n$  умуман олганда бирламчи масалани нотривиал усул билан изланаётган ечими  $U_0$  билан боғлиқдир. ( $U_1, \dots, U_n$  ечимлар координация сини тривиал у сули деб, уларни масалан

$$U_j = U \quad U_n$$

$$n=1$$

га бирлаштириш деб айтса булади). Шунинг учун декомпозицияда бирламчи масалани содалаштирилган қисмларига ажратишда (яъни масалани кандай ва канча қисмга ажратишни/ хал қилиш шундай усулни танлаш керакки, ҳосил бўлган содалаштирилган ечимдан  $U_1 \dots U_n$  бирламчи  $U_0$  ечимни топиш мумкин бўлсин (яъни ечимларни композиция координация қилиш усулини курсатиш). Хулоса қилиб айтганда декомпозиция муаммоси композиция муаммоси билан деярли ҳамбарчас боғлиқдир.

## 2.1. расм

Эътиборга лойиқ параметрли системалар учун декомпозиция усулларини категориялар бўйича таснифлаш мумкин:

- структура бўйича, яъни алоҳида масалалар (системачалар) орасидаги узаро боғланишлар структурасини ажратиш, шунингдек бузилган боғланишларни координация қилиш (С-декомпозиция).
- максиди бўйича, яъни ҳар бир масалани узини критерийси бўйича (максадни оптималлаштириш,

автоном ечиш, ҳамда максадлар координациясини утказиш (M - декомпозиция) мумкин.

- вақт буйича, яъни масалачаларни куриб чиқишда вақт интервалларини қисқартириш билан бирга шу интервални бошлангич холигача кенгайтириш (B-декомпозиция).

## **6 - Маъруза**

### **Геометрик интерпритация чизикли дастурлашнинг асосий масаласи (ЧДАМ).**

#### **Геометрик усуллар билан масалани ечиш.**

##### **Режа:**

1. Озод ва базис ўзгарувчилар миқдорини аниқлаш.
2. Геометрик услуб ёрдамида ечиш.
3. Мумкин бўлган ечимлар соҳасини белгилаш.
4. Тўлиқ функциянинг камайиш (ўсиш) йўналишни аниқлаш.

ЧДАМ ни ечиш асосларини аниқроқ (тушунарли) кўрсатиш мақсадида ЧД (Чизикли дастурлаш) масаласининг график интерпритациясига асосланган график услублардан фойдаланиш қулай ҳисобланади ва масалани ечишда икки ўлчамли фазодан фойдаланилади. Уч ўлчамли фазо масаласи баъзи ҳолларда ечилади, бу усулда масала ечимини куриш ноқулай ҳисобланади ва ноаниқлик келтириб чиқаради, шунинг учун  $n-m=2$  ҳолатни кўриб

ўтамыз, бу ерда:

$n$ - ўзгарувчилар миқдори;

$m$ -озод тенгламалар миқдори;

“ $n$ ” ўзгарувчилардан иккитасини,  $x_1$  ва  $x_2$  ларни оламиз, озод ўзгарувчи сифатида танлаймиз, қолганларини эса базис деб ҳисоблаймиз ва уларни озод ўзгарувчилар орқали акс эттирамыз.

Қуйида бажарилишини кўрсатамыз.

Тенгламани  $m=n-2$  кўринишда оламиз:


$$x_3 = \alpha_{31} x_1 + \alpha_{32} x_2 + \beta_3,$$

$$x_4 = \alpha_{41} x_1 + \alpha_{42} x_2 + \beta_4,$$

.....

$$x_n = \alpha_{n1} x_1 + \alpha_{n2} x_2 + \beta_n.$$

ЧД масаласига геометрик интерпритация берамыз.  $0x_1$  ва  $0x_2$  ўқлари бўйича  $x_1$  ва  $x_2$  озод ўзгарувчиларнинг қийматларини қўйиб чиқамиз. (1.1 расм)



1.1 расм

Озод ўзгарувчиларнинг мумкин бўлган қийматлари фақат  $0x_1$  ўқининг юқори ва  $0x_2$  ўқининг ўнг қисмида жойлашиши ва шунга нисбатан  $x_1$  ва  $x_2$  ўзгарувчиларнинг қийматлари манфий бўлмаслиги зарур, ҳар бир координата ўқининг “мумкин бўлган томон” ларини штрихлаб чиқамиз. Шунингдек қолган  $x_3, x_4, \dots, x_c$  ўзгарувчилари ҳам манфий бўлмаслиги лозим, шу сингари шартлар



бажарилиши лозим:

$$x_3 = \alpha_{31} x_1 + \alpha_{32} x_2 + \beta_3 \geq 0,$$

$$x_4 = \alpha_{41} x_1 + \alpha_{42} x_2 + \beta_4 \geq 0,$$

.....

$$x_n = \alpha_{n1} x_1 + \alpha_{n2} x_2 + \beta_n \geq 0.$$


Бу шартларни геометрик жиҳатдан ҳал этамиз. Биринчи шартни оламиз.  $x_3$  қиймати сифатида унинг экстремал қиймати – нольни оламиз ва қуйидаги тенгламани оламиз:

$$\alpha_{31} x_1 + \alpha_{32} x_2 + \beta_3 = 0,$$

Бу тенглама тўғри ҳисобланади. Бу  $x_3=0$  тўғри чизик бўлиб (1.2 расмга қаранг),  $x_3 > 0$  томон ва  $x_3 < 0$  томондан иборат (ҳар қандай ҳолда тенглама коэффициетига боғлиқ бўлади).  $x_3 = 0$  тўғри чизикнинг  $x_3 > 0$  бўлган соҳасини штрих билан белгилаймиз.

Аналогик кўринишларни ҳосил қиламиз ва қолган барча


$x_4 = 0, \dots, x_n = 0$  тўғри чизикларни белгилаймиз ва улардан нолга ўзгарувчи соҳани штрих билан белгилаймиз.




1.2 расм.

Шу кўринишда “ $n$ ” тўғри чизикни оламиз: иккита координата ўқлари ( $x_2=0, x_1=0$ ) ва  $n - 2$  та тўғри чизиклар ( $x_3=0, \dots, x_n=0$ ). Улардан ҳар бири унинг бир томонида ётиши мумкин бўлган “ярим текислик” ни ифодалайди.


$x_1$  О  $x_2$ , қисм текислигида бир вақтнинг ўзида бир неча Мумкин бўлган Ечимлар Соҳаси (МЕС) га эга ярим текисликлар бўлиши мумкин (1.2 расмга қаранг). МЕС тизими бўш соҳа ҳам бўлиши мумкин, агар тизим номутаносиб чекланишларга эга бўлса (1.3 расм); битта нукта (1.4 расм); қавариқ кўпёқлар (1.5 расм) ва чекланмаган қавариқ кўпёқли соҳа (1.6 расм) бўлиши мумкин.




1.3 расм



1.4 расм



1.5 расм



1.6 расм

Энди бу чизикли функцияни минимумга эриштириши мумкин бўлган оптимал ечимни топиш масаласи туради.

$$E = c_1x_1 + c_2x_2 + \dots + c_nx_n$$

Фараз қиламиз, (1.2) оғоз формулалар орқали ифодаланган оғоз ўзгарувчилар  $x_1, x_2, \dots, x_3, x_4, \dots, x_n$  ўзгарувчилар эса базис ўзгарувчилар ҳисобланади. (1.2.) ифодани (1.3.) формулага қўямиз,

шунга ўзшаш ҳадлар қўшамиз ва “n” ўзгарувчили E чизиқли функцияни фақат иккита  $x_1$  и  $x_2$  озод ўзгарувчидан иборат чизиқли функцияда ифодалаймиз. Ва, қуйидагини оламиз

$$E = \gamma_0 + \gamma_1 x_1 + \gamma_2 x_2,$$

Бу ерда:  $\gamma_0$  - E функциянинг бошланғич кўринишида бўлмаган озод ҳад; энди  $x_1$ ,  $x_2$  ўзгарувчиларга ўтишда у киритилади.


Кўришиб турибдики, бу чизиқли функция  $x_1$ ,  $x_2$  қийматларда минимумга эришади ва бу функция озод ҳаддан ҳоли бўлади

$$E' = \gamma_1 x_1 + \gamma_2 x_2$$


Бу қийматни геометрик интерпритацияни қўллаган ҳолда топамиз.

$x_1$ 0 $x_2$  текислигига  $E'= 0$  тўғри чизиқни ўтказамиз (1.7 расм). Биз биламизки, унинг бурчак коэффициентлари -  $\frac{\gamma_1}{\gamma_2}$  га тенг; координата бошидан  $-\frac{\gamma_1}{\gamma_2}$  бурчак коэффициентлари билан ўтувчи тўғри чизиқни ҳосил қилиш учун абсцисса ўқида  $\gamma_2$  нуктани , ордината ўқида эса  $\gamma_1$  нуктани белгилаймиз ва A нуктадан ўтувчи тўғри чизиқни ўтказамиз. Бу эса асосий  $E'= 0$  тўғри чизиқ бўлади.


1.7 расмда (иккала  $\gamma_1$  ва  $\gamma_2$  коэффициентлар ҳам мусбат) E' функциянинг камайиш йўналиши кўрсатилган - пастдан чапга (бу 1.7 расмда стрелка билан кўрсатилган). Бошқа  $\gamma_1$  ва  $\gamma_2$  коэффициентлари белгиларда камайиш йўналиши ўзгаради. Бу турдаги бир- биридан фарқ қилувчи камайиш йўналишлари 1.8 , 1.9 ва 1.10 расмларда кўрсатиб ўтилган.




1.7 расм



1.8 расм



1.9 расм



1.10 расм

Шу сингари,  $E'=0$  тўғри чизиқнинг асосий йўналиши ва  $E'$  чизиқли формасининг камайиш йўналиши  $E'$  ифодасининг  $x_1$  ва  $x_2$  овозд ўзгарувчилардаги  $\gamma_1$  ва  $\gamma_2$  коэффициент белгилари ва қийматларини аниқлайди.

ЧДАМ нинг мумкин бўлган оптимал ечимларини топишда геометрик интерпритацияни тадбиқ этамиз. Қисқартирилган ҳолатда мумкин бўлган ечимлар соҳасини икки хил кўринишда кўрсатишимиз мумкин:

а) бутун функциянинг максимуми битта ягона нуктада мавжуд бўлади (1.11 расм);


б) бутун функциянинг максимал қиймати иккита  $A$  ва  $B$  уларида бўлиши мумкин ва  $AB$  кесишмасининг ихтиёрий нуктасида бўлиши мумкин (1.12 расм).

Қуйидаги ҳолларда мумкин бўлган ечимлар соҳаси чексиз бўлиши мумкин:


а) бутун функция экстремумга эга бўлса (1.13 расм);

б) функциянинг юқори ва қуйи нукталари чексиз бўлса ва ш.к..


$E_{\max} = \infty, E_{\min} = -\infty$  (1.14 расм).




1.11 расм



1.12 расм



1.13 расм



1.14 расм

### ЧДАМ ни геометрик усулда ечишнинг асосий алгоритми

1. Агар ўзгарувчилар сони овоз тенгламалар сони  $m$  дан иккитага катта бўлса, яъни  $n - m = 2$ ,  $n$  ўзгарувчидан қолган (базис) ўзгарувчиларларни ифодаласа бўладиган иккита ўзгарувчини овоз ўзгарувчи кўринишида танлаймиз.

2. Тенгламалар системасини нольга тенглаб олиш билан тўғри чизикларни ҳосил қиламиз. Бу тўғри чизикларни тенгламалар

системасини нольга тенглаб олиб, координат ўқининг абцисса ва ордината қўларига озод ўзгарувчиларга қиймат бериш билан базис ўзгарувчиларни ифодалаймиз.

3. Мусбат қийматни қабул қилувчи базис ўзгарувчилар бўлса, тўғри чизиқни ўша томондан штрих билан белгилаймиз.

4. Мумкин бўлган ечимлар соҳасини топамиз (МЕС).

5. Мумкин бўлган ечимлар сонидан (агар улар мавжуд бўлса) бутун функцияни нольга айлантирувчи оптимал ечимини топамиз ва МЕС учларини излаймиз.

6. Озод ўзгарувчиларнинг оптимал қийматини топиб, базис ўзгарувчиларнинг ҳам оптимал қийматларини аниқлаймиз ва озод ўзгарувчилар орқали ифодаланган базис тенгламаларга топилган озод ўзгарувчиларни қўямиз.

1.1 мисол

ЧДАМ олтига ўзгарувчи билан

$x_1, x_2, x_3, x_4, x_5, x_6$

$m = 4$  кўринишда қисқартирилган тенглама:

$$x_1 - 2x_2 + x_3 = 4,$$

$$2x_1 - x_2 - x_3 - x_4 = -5,$$

$$x_1 + x_2 - x_5 = -4,$$

$$x_2 + x_6 = 7$$

МЕС ни топишга ҳаракат қилинади ва олти номаълумли чизиқли функцияни минимум қийматга эриштирувчи ЧДАМ нинг оптимал ечими топилади.

$$E = x_1 - x_2 + 2x_3 - x_4 - 3x_5 + x_6$$

Соддалаштириш алгоритмини қўллаган ҳолда  $x_1$  ва  $x_2$

Ўзгарувчиларни овоз ўзгарувчи сифатида белгилаймиз ва қолган  $x_3$ ,  $x_4$ ,  $x_5$ ,  $x_6$  базис ўзгарувчиларни улар орқали ифодалаймиз.

Ва (1.5) ифодадан қуйидаги натижани оламиз:

$$x_3 = -x_1 + 2x_2 + 4,$$

$$x_5 = x_1 + x_2 + 4,$$


$$x_6 = -x_2 + 7.$$

Иккинчи тенгламалар тизимига (1.7) ни қўйган ҳолда

$$x_4 = 3x_1 - 3x_2 + 1 \quad \text{ни оламиз.}$$

Масаланинг геометрик интерпретацияси 1.15 расмда кўрсатилган ( $x_1 = 0$ ,  $x_2 = 0$  тўғри чизиқлар - координата ўқлари; қолган  $x_3 = 0$ ,  $x_5 = 0$ ,  $x_6 = 0$  тўғри чизиқлар эса чегараловчи тўғри чизиқлардир).

Мумкин бўлган яримтекисликларни штрихлаб оламиз.



1.15 расм

Энди мумкин бўлган сонлардан оптимал ечимни топамиз, бунинг учун бутун функцияни овоз ўзгарувчилар  $x_1$  ва  $x_2$  орқали ифодалаб оламиз. Юқорида  $x_3$ ,  $x_4$ ,  $x_5$ ,  $x_6$  базис ўзгарувчилар  $x_1$  и  $x_2$  ўзгарувчилар орқали ифодаланган.

Бу ифодаларни қўллаймиз. Уларни  $E$  тенгламага қўямиз ва қўшимча ҳадлар киритиб, қуйидагини оламиз:

$$E = -7x_1 + 2x_2 + 2. \quad (1.8)$$

(1.8) даги озод ҳадни йўқотамиз ва

$$E' = -7x_1 + 2x_2 \text{ ни оламиз.}$$

Асосий  $E' = 0$  тўғри чизиқни қурамиз. Бунинг учун абсцисса ўқидан  $\gamma_2 = 2$  ва ордината ўқидан  $-\gamma_1 = 7$  кесимларни белгилаймиз ва  $(2, 7)$  координатага эга  $C$  нуқтадан  $E' = 0$  тўғри чизиқни ўтказамиз ва  $E'$  нинг камайиш йўналишини стрелка билан белгилаймиз (1.15 расмга қаранг).  $E$  нинг камайиш томонига нисбатан асосий тўғри чизиқни параллел қўчирамиз,  $K$  нуқтада  $E'$  нинг кичикрок қийматига эришамиз (асосан координата бошидан стрелка йўналиши бўйича). Координатанинг бу  $x_1, x_2$  нуқталари ЧДАМ нинг оптимал ечимларини беради.  $K$  нуқтада иккита  $x_3 = 0$  ва  $x_6 = 0$  чегараловчи тўғри чизиқлар кесишишади.  $x_3$  ва  $x_6$  ўзгарувчилар учун ноль қиймат бериб қуйидаги икки тенгламани оламиз:

$$-x_1 + 2x_2 + 4 = 0,$$

$$-x_2 + 7 = 0.$$

Уларни биргаликда ечиб, қуйидагини оламиз:

$$x_1 = 18, \quad x_2 = 7.$$

Бу қийматларни базис ўзгарувчиларга вўйган ҳолда

$$x_4 = 34, \quad x_5 = 29 \text{ ечимларни оламиз.}$$

Топилган  $x_1$  ва  $x_2$  ўзгарувчиларнинг оптимал ечимларини  $E$  нинг (1.8) даги минималлаштирилган ифодасига қўямиз:



$$E = -7 * 18 + 2 * 7 + 2 = -110.$$

### Назорат саволлари

5. Озод ва базис ўзгарувчилар миқдори қандай аниқланади?
6. Қандай ҳолларда, озод ўзгарувчилар миқдорига боғлиқ бўлган ҳолда геометрик услуб ёрдамида ечиш мумкин?
7. Мумкин бўлган ечимлар соҳаси қандай белгиланади?
8. Тўлиқ функциянинг камайиш (ўсиш) йўналиши қандай аниқланади?
9.  $n - m = 2$  ҳолда қандай асосий қоида ўлчовлари мавжуд?

### 7-майруза.


#### Масалалар тадқиқи. Симплексусул. Оптимал ечим топиш усуллари.

1. Усулнинг асосий моҳияти.
2. Масалани ечишда қўлланилиши
3. Мақсад функцияни топиш.
- 4. Масаланинг шартлари.**

*Калит сўзлар. Чизиқли программа масалалари, симплекс усули, мақсад функциялар, энг катта ва энг кичик қийматлар.*

Чизиқли программалашнинг асосий масаласини геометрик усул


ёрдамида ечганда тенгламалар системасига ва мақсадли функциясига кировчи ўзгарувчилар сони қанча кам бўлса шунча масалани ечиш осонлашади. Агар ўзгарувчилар сони жуда кўп бўлса, масалан, каварик фигура учларининг сони бир неча миллионта бўлса, у ҳолда мақсад функциянинг энг катта (энг кичик) кийматларини топиш кўп қийинчилик туғдиради.



Ҳақиқатан ҳам,  $n!$  та учга эга бўлган каварик кўпёкли берилган бўлсин (1.1-чизма). Масалани ечиш учун кўпёклининг  $n!$  та учларининг координаталарини топиб, мақсад функциянинг бу нукталардаги кийматларини таққослаш керак. Агар операциялар сони  $n > 15$  бўлса, у ҳолда масаланинг зарур бўлган ечимини топиш кўп қийинчилик туғдиради. Бунини кўрсатиш учун Стирлинг формуласидан фойдаланамиз.

$$n! = \left(\frac{n}{\ell}\right)^n \sqrt{2\pi n}.$$

Агар каварик кўпёқлининг учларининг сони  $n = 20$  бўлса, масаланинг шартлари  $2 \cdot 10^{18}$  дан ҳам ошиб кетади.



Юқоридаги кўрсатилган мисолдан кўриниб турибдики, бундай масалаларни ечиш учун қандайдир махсус усуллар ишлаб чиқиш лозимки, кўпёқлининг учларини танлаш тартибсиз эмас, балки мақсадли равишда кўпёқнинг қирралари бўйлаб шундай ҳаракат қилганда ҳар бир қадам мақсад функцияси  $F$ -нинг қиймати максимум (минимум) қийматга томон тартибли равишда интилсин. (1.2-чизма).

Симплекс усули биринчи бўлиб америкалик олим Д. Данциг





бўлган ечимлар тўплами  $y_j = b_j, j = \overline{1, m}, x_i = 0, i = \overline{1, n}$  ҳосил бўлади. Бу ҳолда мақсад функцияси 0 га тенг, яъни

$$F(0, 0, \dots, 0, b_1, b_2, \dots, b_m) = 0.$$

Симплекс усули ишлатилганда кетма-кет жадвалларни тузиш анча қулайлик туғдиради. Дастлабки симплекс жадвални тузишга ўтамиз:

1. Жадвалнинг юқоридаги  $m + 1$  сатрига мақсад функциясининг коэффицентларини жойлаштирамиз.

2. Жадвалнинг юқоридаги 2-сатрига ўзгарувчи  $x_1, x_2, \dots, x_n, y_1, y_2, \dots, y_m$  ларни ёзамиз.

3.  $x_1, x_2, \dots, x_n$  ларнинг коэффицентлари жадвалнинг асосий қисмини ташкил қилади (асосий матрица),  $y_1, y_2, \dots, y_m$  ўзгарувчиларнинг коэффицентлари эса бош диагонал бўйича ёзилиб, бирлик матрицани ташкил этади.

4. Жадвалнинг охириги сатрига индекслар сатри дейилади ва бу сатр мақсадли функцияда қатнашувчи ўзгарувчиларнинг коэффицентларини тесқари ишора билан олинган коэффицентлар орқали тўлдирилади.

Симплекс жадвалларни тузганда қуйидаги қоидаларга асосий эътиборни бериш керак:

1. Агар калитли устунда нол бўлса, келгуси жадвалда шу нол турган сатр ўзгармайди.

2. Калит сатрда нол бўлса, бу нол турган устун келгуси жадвалда ўзгармайди.

3. Ҳар бир ўзгарувчи устун ва мос ўзгарувчи сатр кесишган катакдаги сон 1 га тенг бўлса, бу устундаги бошқа катакдаги сонлар нолга тенг.

1. Қисқартирилган тенгламалар тизими ва бутун бир функция (2.1) да стандарт кўринишда ёзилган.

$$y_1 = b_1 - (a_{11}x_2 + a_{12}x_2 + \dots + a_{1m}x_n),$$

$$y_2 = b_2 - (a_{21}x_2 + a_{22}x_2 + \dots + a_{2m}x_n),$$

.....

$$y_n = b_n - (a_{n1}x_2 + a_{n2}x_2 + \dots + a_{nm}x_n),$$

2. Озод ҳадлар ва ўзгарувчилар коэффициенти билан стандарт жадвални тўлдирамиз.

3. Таянч ечимларни излаймиз. Бунда иккита ҳолат бўлиши мумкин:

1. Агар (2.1) тенгламада озод ўзгарувчилар ноль ёки мусбат бўлса таянч ечим олинган бўлади.

2. Агар озод ҳадлар орасида манфий қийматлилари бўлса, у ҳолда қуйидаги алгоритмни қўллаган ҳолда таянч ечимларни топамиз:

а) манфий ҳадга эга тенгламадан манфий элементни қидирамиз. Агар бундай элемент мавжуд бўлмаса (2.1) тенгламалар тизими маънога эга эмас. Агар манфий элемент мавжуд бўлса, шу элемент турган устунни рухсат этилган устун сифатида танлаймиз.

б) энди ўзимиз бу устундан мумкин бўлган ечимни танлаймиз, бунинг учун бу устундаги барча озод ҳадлар бир хил белгили бўлиши керак. Улардан озод ҳадга нисбатан минимумга эга элемент мумкин бўлган ечим сифатида танланади (тўлиқ функция қаторидаги алоқа бундан мустасно). Мумкин бўлган элементга эга қатор мумкин бўлган қатор ҳисобланади;

- в) Мумкин бўлган ( $a_{ij}$ ) элементни жадвалда белгилаймиз. Унинг тескари қиймати  $\gamma = 1/a_{ij}$  ни ҳисоблаймиз ва шу ячейканинг пастки қисмига ёзамиз (пастки ўнг бурчакка);
- г) Мумкин бўлган қатордаги барча элементлар (яъни мумкин бўлган элементлар) ни  $\gamma$  га кўпайтирамиз ва уларни ҳам пастки ўнг бурчакка ёзамиз;
- д) керакли устундаги барча элементларнинг барчасини  $-\gamma$  га кўпайтирамиз, натажаларни шу катакчаларнинг пастки қисмига ёзамиз (мумкин бўлган элементларни);
- е) ҳар бир элемент учун рухсат этилган қатор ёки устун билан боғлиқлик бўлмаса, айнан ҳозирги рухсат этилган устун ва қатор учун олдинги рухсат этилган қатор ва устун элемент қиймати олинади;
- ж) ўрин алмаштириш орқали жадвални қайта ёзамиз:
- $x_i$  ни  $y_j$  га ва аксинча,
  - рухсат этилган қатор ва устун элементлари – сонлар, шу ячейкаларнинг пастки қисмида жойлашган;
  - қолган ҳамма элементлар – йиғма сонлар, шу ячейкаларнинг юқори ва пастки қисмида турувчи;
- з) агарда излаш натижасида таянч ечим топилмаса, “а” пункт бўйича алгоритмни қайтадан бошлаймиз;
- и) агарда таянч ечим топилса, оптимал ечимни топишга ўтамыз.

4. Агар симплекс- жадвалдаги озод ҳадлар (тўлиқ функциянинг озод ҳадларини ҳисобга олмаган ҳолда) манфий бўлмаса, тўлиқ функция қаторида бирор бир мусбат элемент бўлмаса, унда оптимал ечимга эришилган бўлади.
5. Агарда тўлиқ функция қаторида мусбат элемент бўлса, ва устунда унга муносиб равишда бирор бир мусбат элемент бўлмасдан чизиқли тўлиқ функция чексиз пастга давом этса, оптимал ечим мавжуд бўлмайди.
6. Агар бу устунда мусбат ечимлар мавжуд бўлса, озод



ўзгарувчилардан бирининг ўрнига базис ўзгарувчилардан бири ушбу устунда рухсат этилган ва озод ҳаднинг минимум қийматга эга ўзгарувчи сифатида танланади. Кейин барча амаллар юқорида бериб ўтилган “в” дан “ж” гача бўлган пунктлар бўйича бажарилади.

7. Агар излашлар натижасида оптимал ечим топилмаса, яна бир бор итерацияни қўлаймиз, ва бу қатордаги барча элементлар манфий бўлгунга қадар давом этади.

8. Озод ўзгарувчиларнинг нольга тенглигидан, симплекс жадвалдаги базис ўзгарувчилар озод ҳадларнинг қийматига тенг бўлади, тўлиқ функциянинг оптимал қиймати тўлиқ функция қаторидаги озод ҳадга тенг бўлади.

## 2.1 мисол

ЧД масаласининг ечимларини топинг:

$$y_1 = -x_1 + x_2 - x_3 + 3,$$

$$y_2 = -2x_1 - 3x_2 + x_3 - 1,$$

$$y_3 = -x_1 - x_2 + 2,$$

$$y_4 = 4x_2 - x_3 + 1,$$

чизикли функцияни минимумга айлантирувчи

$$E = x_1 - 2x_2 - x_3.$$

Ечим. Юқорида келтирилган алгоритмни қўлаймиз. (2.2) тизимни ва (2.3) тўлиқ функцияни стандарт кўринишга келтириб, қуйидагини оламиз:

$$y_1 = 3 - (x_1 - x_2 + x_3),$$

$$y_2 = -1 - (2x_1 + 3x_2 - x_3),$$

$$y_3 = 2 - (x_1 + x_2),$$

$$y_4 = 1 - (-4x_2 + x_3),$$

$$E = 0 - (-x_1 + 2x_2 + x_3).$$

(2.4) ва (2.5) шартларни стандарт жадвалга ёзамиз ( 2.1 жадвалга қаранг).

2.1 жадвалнинг  $y_2$  қаторида манфий ҳад -1 бор. Қоида бўйича бу қатордаги -1 манфий элементни танлаймиз ( $x_3$  устундаги). Бунда биз рухсат этилган устунни танладик. Мумкин бўлган ечимнинг “ўринбосари” сифатида бу устуннинг барча озод ҳад бўйича минимум бўлган элементларни кўришимиз мумкин: бу ерда -1 ва иккита 1 сонлари озод ҳад бўйича (ноль мумкин бўлган ечимни ташкил эта олмайди).

Минимал алоқани ўрнатамиз:

$$3/1 = 3, \quad (-1)/(-1) = 1 \quad \text{и} \quad 1/1 = 1.$$

1 га тенг боғлиқлик камида иккита, шунинг учун (-1) элементни мумкин бўлган ечим сифатида танланмиз ва  $x_3 \leftrightarrow y_2$  ўрин алмаштиришни бажарамиз (2.2 жадвалга қаранг)

2.1 жадвал

	Озод ҳад	$x_1$	$x_2$	$x_3$
$y_1$	3	1	-1	1
$y_2$	-1	2	3	-1
$y_3$	2	1	1	0
$y_4$	1	0	-4	1
E	0	-1	2	1

Ўрин алмаштириш алгоритми бажариб бўлинганидан сўнг 2.3. жадвалга ўтамиз.

2.3 жадвалда барча озод ҳадлар мусбат, демак таянч ечим топилган, оптимал ечимни топишга ўтамиз.

2.2 жадвал

	Озод ҳад	$x_1$	$x_2$	$x_3$
$y_1$	3 -1	1 2	-1 3	1 1
$y_2$	-1 1	2 -2	3 -3	-1 -1
$y_3$	2 0	1 0	1 0	0 0
$y_4$	1 -1	0 2	-4 3	1 1
E	0 -1	-1 2	2 3	1 1

2.3 жадвал

	Озод ҳад	$x_1$	$x_2$	$x_3$
$y_1$	2	3	2	1
$y_2$	1	-2	-3	-1
$y_3$	2	1	1	0
$y_4$	0	2	-1	1
E	-1	1	5	1

Тўлиқ функция қаторидаги коэффицентлар сингари  $x_1$ ,  $x_2$  ва

$y_2$  лар мусбат, бу ўзгарувчилардан ихтиёрий бирини озод ҳадлар орқали топишимиз мумкин. Бу  $x_2$  бўлади.  $x_2$  устундан қайси бир элементни мумкин бўлган ечим сифатида оламиз? Бу элемент мусбат бўлиши шарт. Демак, бизда иккита танлов бор:  $y_1$  қатордаги 2 ёки  $y_3$  қатордаги 1 элементлари.

Улардан қайси бири озод ҳад минимал қийматига боғлиқ бўлса, ўшани танлаймиз.

Муносабатлар  $2/2 = 1$  ва  $2/1 = 2$  га тенг. Улардан минимали 1. Демак, мумкин бўлган элемент сифатида  $x_2$  устун ва  $y_1$  қатордаги 2 элементини оламиз.

$x_2 \leftrightarrow y_1$  ўрин алмаштиришни бажарамиз (2.4, 2.5 жадвалларга қаранг)

2.4 жадвал

	Озод ҳад	$x_1$	$x_2$	$x_3$
$y_1$	2 1	3 3/2	2 1/2	1 1/2
$y_2$	1 3	-2 9/2	-3 3/2	-1 3/2
$y_3$	2 -1	1 -3/2	1 -1/2	0 -1/2
$y_4$	0 1	2 3/2	-1 1/2	1 1/2
E	-1 -5	1 -15/2	5 -5/2	1 -5/2

2.5 жадвал

	Озод ҳад	$x_1$	$y_1$	$y_2$
$x_2$	1	3/2	1/2	1/2
$x_3$	4	5/2	3/2	1/2
$y_3$	1	-1/2	-1/2	-1/2
$y_4$	1	7/2	1/2	3/2
E	-5	-13/2	-5/2	-3/2

E қаторида битта ҳам мусбат элемент йўқ, демак оптимал ечим мавжуд ва улар қуйидагилар:

$$x_1 = y_1 = y_2 = 0; \quad x_2 = 1; \quad x_3 = 4; \quad y_3 = 1;$$

$$y_4 = 1.$$

Ушбу қийматларда E ўзининг минимал қиймати эришади,  $E_{\min} = 6$ .

## Назорат саволлари

1. Қандай ҳолларда симплекс услуби қўлланилади?
2. Қачон таянч ечим олинган ҳисобланади?
3. Қандай шартларда оптимал ечимга эришидган бўлади?
4. Чизиқли функция пастга томон чегараланмаган пайтда қандай симплекс жадвал тузилади (таянч ечим мавжуд бўлади) ?
5. Иккиланган масаладан чизиқли масалага қандай ўтилади
6. Симплекс усулнинг асосий моҳияти нимада?.
7. Симплекс усули қандай масалани ечишда қўлланилади?
8. Мақсад функцияни қандай топилади?.
9. Масаланинг қандай шартлари мавжуд?.
10. Симплекс жадвалини тузишда қандай шартлар қўйилади?

## 8- Маъруза

### Транспорт масалалари. Транспрот масаласини ечиш усуллари.

#### Режа:

1. Таннарх талаблари бўйича транспорт масаласи.
2. Потенциаллар усули.

ТМ ечиш учун потенциаллар услуби ғояси қуйидагича амал қилади. Ўзимиз ҳар бир  $A_i$  жўнатиш пунктидан жўнатилаётган

бирлик миқдордаги (барчаси бир хил) юкни ташишни қандайдир  $\alpha_i$  сумма билан белгалаймиз; ва ўз навбатида  $B_j$  жўнатиш пунктидан жўнатилаётган бирлик миқдордаги юкни ташишни  $\beta_j$  билан белгилаймиз; бу тўловлар бир қанча учинчи шахс бўлиши мумкин ("ташувчи")

Белгилаш киритамиз

$$\alpha_i + \beta_j = \delta_{ij} \quad (i=1, \dots, m)(j=1, \dots, n) \quad (1)$$

Ва  $\delta_{ij}$  ни бирлик миқдордаги юкни  $A_i$  пунктдан  $B_j$  пунктга олиб ўтишдаги "псевдонарх" деб атаймиз.

Шуни эслатиб ўтамизки,  $\alpha_i, \beta_j$  тўловлар албатта мусбат бўлиши шарт эмас: истисно тариқасида, "юк ташувчи" у ёки бу пунктга ташиш учун қўшимча тўловни ўзи тўлайди..

Фараз қиламиз,  $(x_{ij})$  ташиш режаси бузилмаган, шунинг сингари ташиш жадвалидаги базис катакчалар сони  $n+m-1$  га тенг. Бу ташиш катакчаларининг барчаси учун  $x_{ij} > 0$ . Барча базис катакчалардаги псевдонархлар билан таннархлар тенг бўлган ҳолда  $(\alpha_i, \beta_j)$  тўловларни аниқлаймиз

$$\delta_{ij} = \alpha_i + \beta_j = C_{ij} \text{ тенглик } x_{ij} > 0 \text{ бўлган ҳолда}$$

псевдонархлар ва таннархлар ўртасидаги боғлиқликга асосан бўш катакчалар бўлиши мумкин:

$$\delta_{ij} = C_{ij}; \delta_{ij} < C_{ij} \text{ ёки } \delta_{ij} > C_{ij}$$

Агар барча режа катакчалар базиси  $\delta_{ij} = C_{ij}$ , ҳамда барча бўш катакчалар учун  $\delta_{ij} \leq C_{ij}$  бўлса, бундай режа оптимал ҳисобланади.

Потенциал (оптимал) режа процедурасини қуриш қуйидагича амалга оширилади:

Оптимальга биринчи тахмин сифатида:  $Y$  режа ихтиёрий мумкин бўлган режада тузилади (ҳеч бўлмаганда шимолий- ғарбий бурчак усулида қурилган). Бу режада  $m+n-1$  та базис катокчалар мавжуд бўлиб, бу ерда  $m$  - транспорт жадвалидаги қаторлар сони,  $n$  - шу жадвалдаги устунлар сони. Бу режа учун  $(\alpha_i, \beta_j)$  тўловларни ҳар бир базис катокчалардаги шартлар асосида аниқлаш мумкин:

$$\alpha_i + \beta_j = C_{ij} \quad (2)$$

(4.2) тенгламадаги ҳадларнинг барчаси  $m+n-1$ , номаълумлар миқдори эса  $m+n$ . Шундай қилиб, бу номаълумлардан бирини ихтиёрий равишда бирор қийматга тенглаштирилади (мисол учун, нольга тенг). Бу (4.2)  $m+n-1$  тенгламадан кейин қолган  $\alpha_i, \beta_j$  тўловларни ҳам топиш мумкин бўлади, ва улар орқали ҳар бир бўш катокча учун псевдонарх ҳисобланади:

$$\delta_{ij} = \alpha_i + \beta_j$$

Агар натижада бу барча псевдонархлар таннархдан ошмаса

$$\delta_{ij} \leq C_{ij}$$

